

## **Коррупция — тараққиёт күшандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят**

**T.Tухтасинов  
Хуқуқшунос**

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан бири эканлиги барчамизга маълум бўлиб, ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иктисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, инсон хуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келиши, ўзига тамагирликни қамраб олган ҳолда жамиятнинг маънавий устунлари ҳамда демократияни емириб, мамлакатнинг иктиносий-ижтимоий ва сиёсий тараққий этиши учун улкан хавф туғдиради.

Мамлакатимизда ҳам сиёсий, ҳам иктиносий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш пайтида коррупция жиддий тўсиқ бўлаётгани жамоатчиликни ташвишга солиш билан биргалиқда, миллий тараққиёт масаласи — юрт тақдири, мамлакат келажаги учун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади ҳамда мазкур иллатга қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этишда кенг кўламли ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндошган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш лозим бўлади.

Шунинг учун коррупцияга қарши кураш ҳалқаро миқёсдаги каби республикамизда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдан иборатdir.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равища амалга оширилмоқда. давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилиб келинмоқда.

Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-81-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан давлат органлари ва

ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этилди. Рейтинг қуидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга ошириши кўрсатилиб ўтилган: давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва хуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги; коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чоратадбирларнинг амалга оширилганлиги; давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги; ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги; коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги баҳолашга қаратилган.

Қабул қилинаётган коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳужжатларда аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқуқий таълим ва тарбия масалалари ўз ифодасини топган бўлиб, хуқуқий онг ва хуқуқий маданияти юксак бўлган ва хуқуқий таълим ва тарбия жиҳатдан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлмиш коррупцияга йўл қўймайдилар.

Ўз навбатида давлатимиз раҳбари қўплаб маъруза ва чиқишларида лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши кераклиги тўғрисида мунтазам равишда таъкидлаб келмоқдалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, коррупцияга қарши курашиш фақатгина давлатнинг ёки муайян бир ташкилотнинг вазифаси эмас, балки жамоатчиликдан ва ҳар бир шахсдан юксак масъулият, ватангча мухаббат ҳамда сафарбарликни талаб этишини бурчимиз эканлгини унтмаслигимиз керак